Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
17 октябрь
ЧОРШАНБА

№ 85
(11.992)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ИШЧИ МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПСА

«Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятининг асосий иш фаолияти сифатли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган 2006 йили бу ерда 34 миллиард 407 миллион сўмлик цемент ишлаб чиқарилди. 3 миллиард 700 миллион сўмлик 73 минг тонна маҳсулот экспортга жўнатилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 17 миллиард 816 миллион сўмлик ўрнига 22 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Шунга яраша экспорт ҳажми ҳам ортиб бораяпти. Корхонада шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

– Бундай муваффақиятларга эришишимизда ишчиларимизнинг меҳнати муносиб қадрланаётгани муҳим, – дейди жамият раҳбарининг биринчи ўринбосари Мансур Маматисаев. – Уларнинг манфаатдорлигини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосий эътиборда.

Дарҳақиқат, бу масалалар ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижроси учун алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра барча цехлардаги ишчилар дам оладиган хоналарини таъмирлаш ҳамда керакли жиҳозлар билан таъминлашга 10 миллион сўм маблағ сарфланди. 150 та ёш оила аъзоларига саноат моллари ва маиший буюмлар харид қилиш учун фоизсиз кредитлар ажратилди. Кўп болали ҳамда кам таъминланган 3 та оилага бир бошдан қорамол олиб берилди. 150 киши эса Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилишди.

Шунингдек, оталиққа олинган 1- ва 3-мактаблар, «Оловча», «Юлдузча» болалар боғчалари биноларини жорий таъмирлашга 5 миллион сўмлик ҳомийлик маблағи йўналтирилди. Соғлиғини тиклашга муҳтож бўлган ходимлардан 100 киши турли сиҳатгоҳларга бориш учун йўлланмалар билан таъминланди. Жамиятга бириктирилган 120 нафар ёлғиз қария, пенсионер ҳамда 40 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб келинаётир.

Корхонада амалга оширилаётган муҳим ишлардан яна бири шуки, кам таъминланган оилаларнинг ишга лаёқатли аъзолари касаначилик асосида ҳамда қурилиш ишларига жалб этилмоқда. Шу йилнинг ўзида 59 киши иш билан таъминланди. Касаначилар корхонанинг буюртмаси бўйича қўлқоп ва қоплар тикиб бермоқдалар.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



СУРАТДА:
корхона чилангари Фурқат Абдувалиев.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедовнинг таклифига биноан 2007 йил 18-19 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркманистонда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

16 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда 2007 йил 12 февралдаги ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Марказий иқтисодиёт вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳисоботларида қайд этилганидек, 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим еттита устувор вазифасини амалга ошириш бўйича кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар мамлакатни макроиқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларига изчил эришилишини, солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг муваффақиятли бажарилишини, 2007 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ўз вақтида ижро этилишини таъминламоқда.

Республика Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлигининг маълумотларига кўра 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,8 фоизни ташкил қилди. Иқтисодий ўсишга саноат ишлаб чиқариши ҳажмларини 11,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини – 3,5 фоизга, пудрат қурилиш ишларини – 20,4 фоизга, чакана товар айланмасини – 18,4 фоизга, пулли хизматларни 25,2 фоизга кўпайтириш ҳисобига эришилди. Ташқи савдо айланмаси, энг аввало, экспортнинг 41,8 фоиз даражасида ўсиши ҳисобига юқори суръатлар билан кўпаймоқда. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Қулай инвестиция муҳити ва инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитларнинг яратилиши инвестициялар ҳажмининг 31,3 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 2 баравардан ортиқ ўсишини таъминлади. Бир қатор янги йирик саноат ишлаб чиқаришлари, "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл линияси, "Зеварда" конида босимли компрессор станцияси ва бошқа объектлар ишга туширилди. Тюбегатан калийли ўғитлар конини ва "Хандиза" полиметалл рудалари конини ўзлаштириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини эркинлаштириш ва солиқ юкини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини ўтган йилнинг тегишли давридаги 39 фоиз ўрнига 43,1 фоизгача оширишни таъминлади.

Мажлисда қайд этилганидек, ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор муҳим фармонлари қабул қилинганлиги ва амалга оширилганлиги аҳолининг турли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим, кадрлар тайёрлаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида мақсадли умуммиллий дастурларни изчил амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг янада кучайтирилишини муайян даражада таъминлади. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 25 фоизга оширилди. Биргина "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларга 370 миллиард сўм, шу жумладан, бюджетдан 153 миллиард сўм йўналтирилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида республика ҳукумати мажлиси қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг 2007 йил 30 августда бўлиб ўтган қўшма мажлисида белгиланган асосий вазифаларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, шунингдек республика иқтисодиёти реал сектори корхоналари раҳбарларининг эътибори ишлаб чиқаришнинг барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, 2008 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ривожланиши учун ишончли замин яратиш зарурлигига қаратилди. Шу муносабат билан "Ўзкимёсаноат" (Ғ. Ибрагимов), "Ўзбекенгилсаноат" (Р. Рўзиқулов) давлат-акциядорлик компаниялари, "В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат-акциядорлик жамияти (Ў. Султонов) раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Ҳар доимгидек, меҳнат ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ва аҳоли турмуши сифатини ошириш масалалари мажлис қатнашчилари диққат-эътибори марказида бўлди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А. Хаитов, Сирдарё (М. Эркаев), Андижон (Ш. Ибрагимов), Навоий (С. Самадов) вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларида касаначиликни, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш ва аҳолини комплекс дастурлари амалга оширилишининг аҳволи атрофлича таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 24[1]-моддаларига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ваколатларига кирувчи бошқа айрим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов журналистларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи, улар кўрсатган номзодларни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчиларнинг имзоларини тўплашни ташкил этиш тартиби, шунингдек, бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа масалалар тўғрисида маълумот берди.

Округ сайлов комиссиялари тузилганлиги, уларнинг жамоатчилик обрўли вакиллари орасидан шакллантирилган шахсий таркиби, шунингдек, ушбу комиссияларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳақида ахборот берилди.

ЎзА.

Шу йил 16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилоят округ сайлов комиссиясининг илк йиғилиши бўлиб ўтди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Йиғилишда округ сайлов комиссиясининг иш ва тақвим режалари, комиссия аъзолари вазифалари ва уларнинг ҳудудий тақсимоти, сайлов участкаларини тузишга тайёргарлик, округ сайлов комиссиясининг матбуот марказини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилиш кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссиясининг Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 24[1]-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати марказий матбуотда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси раиси **М. АБДУСАЛОМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 15 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси.
2. Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси.
3. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси.
4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.
5. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Акмал Холматович Саидовни номзод этиб кўрсатиш бўйича 2007 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида тузилган сайловчилар ташаббускор гуруҳи.

Эътироф

ДЕҲҚОН МУРОДИГА ЕТГАН КУН

Куни кеча мамлакатимиз бўйлаб барчамизга мамнуният ва қувонч улашган ажойиб хушхабар тарқалди. Юртимизнинг омилкор деҳқонлари 3 миллион 600 минг тонналик пахта хирмонини бунёд этиб, улкан меҳнат зафарини қўлга киритдилар.

Эътироф этиш жоизки, уч йилдан буён, пахтакорларимиз шарафли меҳнат самараси бўлмиш бундай залворли хирмонни ғоят қисқа муддат – октябрь ойининг биринчи ярмидаёқ бунёд этиб, азалдан пахтакорлик касби сир-синоатларининг етук билимдони бўлиб келган ўзбек деҳқонининг нималарга қодир эканлигини намоён этмоқдалар.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида қайд этилганидек, тармоқда кейинги йилларда эришаётган бундай ютуқларимиз бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли туб ислоҳотлар қатори халқимизга азалдан мансуб бўлган омилкорлик, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, ўз ери, ўз юртига меҳр қўйиб, эртанги кунга ишонч билан яшаш туйғуси, ҳаётга фаол муносабатнинг кучайиб бораётгани, мухтасар айтганда, одамларимиз онгу тафаккурида юз бераётган муҳим ўзгаришлар самараси эканлиги шубҳасиз. Бинобарин, бу йилги улкан ҳосил Ўзбекистон тарихида биринчи марта 100 фоиз қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг мутлақ янги шакли бўлмиш хусусий фермер хўжаликлари томонидан яратилди.

«...Мен ерга кўз тикиб яшайдиган минг-минглаб, балки миллионлаб инсонларни, уларнинг ўз пешона тери, ҳалол меҳнатидан даромад топиб, шунинг ҳисобидан оила тебратиш, фарзандларини уй-жойли қилиш ҳақидаги орзу ниятларини ўзимга доимо яққол тасаввур қиламан, – дейилади Юртбошимиз табригида. – Ҳеч муболағасиз, бугун омборларимиз мўл ҳосилга, кўнгилларимиз шодликка тўлган мана шу қутлуғ кунни барча деҳқонларимиз ўз муродига етган кун, деб аташ мумкин...»

Дарҳақиқат, деҳқоннинг муроди ушалаётгани бутун халқимиз ҳаёти фаровонлашиб, турмуш даражаси юксалиб бораётганидан ҳам аён. Негаки, бундай беқиёс ютуқлар юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий масалаларни ечишдек олижаноб ва хайрли вазифаларни бунданда юқори босқичга кўтариш учун кенг имкониятлар яратади.

Мамлакатимиз деҳқонлари ғалаба нашидасини сураётган мана шу шукуҳли паллаларда пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини адо этиш остонасида турган вилоятимизнинг яна икки йирик тумани – Бўка ва Бекобод пахтакорлари ҳам зафар маррасига етиб келдилар.

СУРАТДА:
Бекобод тумани «Нормат ота» фермер хўжалиги иш юритувчиси Тожиқул Норматов пахтазорда.
Даврон АҲМАД олган сурат.

БЎКА ТУМАНИ:

ҚИРҚ МИНГ ТОННАЛИК ХИРМОН

Бўкалик деҳқонларнинг юртимиз пахтачилик тармоғида муносиб ўрни ва нуфузи бор. Бу бежиз эмас. Туман пахтакорлари ҳар йили 40 минг тоннадан зиёд сифатли «оқ олтин» етиштириб, нафақат вилоятимиз, балки мамлакатимиз пахта хирмонига ҳам баракали улуш қўшиб келаётирлар.

Хусусан, бу мавсум ҳам Бўканинг бир сўзли заминдорлари 16880 гектар майдонда пахта етиштириб, аввало мўл ҳосил, шунингдек, йиғим-терим вақтидаги юксак уюшқоқлик ва ташкилотчилик эвазига анъанага мувофиқ меҳнат зафарини илғорлар қаторида тантана қилмоқдалар.

Айтиш жоизки, туманда юксалган залворли хирмон бу йил тўлиқ фермер хўжаликлари заминида етиштирилди. Табиийки, ерни тайёрлаш, чигит экишдан тортиб, кўп босқичли ғўза агротехникасигача, барча жараёнлар бевосита фермерларнинг бош-қошлиги ва жонбозлигида оби-тобига келтирилди. Яна ҳам аниқроғи, бугун пахтачиликда фермер хўжаликлари тармоқ масъулиятини тўла ҳис этган ҳолда, давлатимиз кўмаги ва ғамхўрлигида мустақил иш юритаётирлар. Шу боис пахтачилик фермерлар фаолиятининг энг муҳим, шу билан бирга сердаромад тармоғига айланиб қолди.

– Йилдан йилнинг фарқи бўлади, – дейди тумандаги «Саиджаббор Омонхўжа» фермер хўжалиги раҳбари Омон Амиров. – Тармоқдаги кўп йиллик тажрибамиздан аёнки, кўзланган мақсадга эришиш ҳамиша маълум даражада оғир келади. Кўпинча табиат инжиқликлари ўз ҳукмини ўтказиб, чигитни экишдан то ҳосилни йиғиб-териб олгунча деҳқонни минг машаққату синовдан ўтказиб, ҳолдан тойдирса, баъзан энг қулай об-ҳаво шароитида ҳам боқибеғамлик ва ўзибўларчилик оқибатида олтинга тенг фурсатлар бой берилганини ҳам яхши эслаймиз. Минг шукрки, кейинги икки йил пахтачилик, айниқса, йиғим-терим мавсумини кўнгилдагидек ўтказиб олиш учун ғоят қулай келмоқда. Табиий шарт-шароитга жавобан «лаббай» дея енг шимариб ишга киришган заминдор борки, бугун юзи ёруғ. Ҳам ҳосили мўл, ҳам шартномани дўндириб, кўнгли хотиржам. Албатта, даромади ҳам шунга яраша.

(Давоми 3-бетда).

БЕКОБОД ТУМАНИ:

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ САМАРАСИ

Бекободлик пахтакорлар контрактация шартномасига мувофиқ давлатга 40630 тонна хом ашё етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Кўриниб турибдики, пахтачиликда «катта карвон» номини олган туман деҳқонлари ҳар йили вилоятимизнинг умумий хирмонига энг кўп улуш қўшадилар.

Бу масъулиятни теран англайдиган замин деҳқонлари кўп йиллардан буён ўз вазифаларини ёруғ юз билан бажариб келмоқдалар. Хусусан, бекободлик фермерларнинг бу мавсум етиштирган ҳосили ҳам баракали бўлди. Улар қабул пунктларига давлат буюртмасини қоплашга етарли ҳосил топшириб, бугун катта меҳнат зафарини тантана қилаётирлар.

Эътироф этиш лозимки, Бекобод шароитида деҳқончилик қилиш, хусусан, агротехникаси нисбатан мураккаб ва нозик ҳисобланган, таваккалчилик ёки палапартишликка эмас, аниқ уқув ва тажрибага асосланган пахта етиштириш машаққатлари бу замин деҳқонларини чинакам синовдан ўтказади. Тўғри, ҳамма жойда ҳам пахта ҳосили ўз-ўзидан бино бўлмайди. Лекин, бу ҳудуд деҳқонлари қисман шўрланган ва ер ости сувлари юзалашган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини оби-тобига келтириб, экиннинг ривожланишига қулай ва етарли шароит яратишлари учун икки ҳисса кўпроқ тер тўкадилар, десак муболаға бўлмайди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ шу йилда 490,0 мингга яқин янги иш ўрни, шу жумладан корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича 82 мингта, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 120 мингта иш ўрни яратилди. Қорамол етиштириш билан шуғулланаётган 275 минг фуқарога меҳнат дафтарчалари расмийлаштирилди.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, муҳим ижтимоий вазифа сифатида иш билан банд этиш муаммосини ҳал қилиш тадбиркорликни, энг аввало, хусусий бизнесни ривожлантириш учун мумкин қадар қулай шарт-шароитлар яратишга, шу асосда аҳоли фаровонлигини изчил оширишни таъминлашга муайян даражада боғлиқдир.

Мажлисда қайд этилганидек, куз-қиш даврига ўз вақтида ва пухта тайёргарлик кўриш иқтисодиётнинг барча соҳалари муваффақиятли ишлаши, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларининг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун замин ҳисобланади. Мажлис арафасида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг, иссиқлик ва сув таъминоти корхоналарининг фаолиятини, улар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг аҳволини, кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифати учун ходимларни рағбатлантиришнинг аниқ-равшан механизми жорий этилишини ўрганиш шуни кўрсатдики, жойларда ўтган йилларда йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик, аҳолини иссиқлик, газ ва тегишли маиший шарт-шароитлар билан тўлиқ таъминлаш учун аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, Бош вазир ўринбосарлари Н. Хонов, Э. Шоисматов, вазириклар ва идоралар, бир қатор вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларида камчиликлар, ҳал этилмаган муаммолар очиб ташланди, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ва уларни бажариш муддатлари белгиланди. Қиш даври учун сифатли ва турли мева-сабзавотларни ғамлаш ва уларни аҳолига мақбул нархларда сотиш бўйича вазифалар айниқса маҳаллий ҳокимият органларининг ўз вақтида ҳал этишини талаб қиладиган муҳим масалалар сифатида белгиланди.

Бугунги кунда иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ва умуман республикани изчил юксалтиришни ахборотлаштиришсиз, ахборот-коммуникация технологияларини, почта ҳамда телекоммуникациялар тармоқларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантирмасдан тасаввур қилиш мумкин эмас. Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А. Орипов, Давлат солиқ қўмитаси (Э. Гадоев), Халқ таълими вазирлиги (Т. Жўраев), "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси (Ф. Сагдуллаев), Навоий кон-металлургия комбинати (Н. Кучерский) раҳбарлари ҳисоботларида ушбу соҳадаги ишларнинг аҳволи танқидий таҳлил қилинди.

Кун тартибидаги ушбу масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари ва Аппарати департаментлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларига муфассал таҳлил қилиш асосида бошқарув органларида, банк ва молия тизимларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида, қишлоқ жойларда, йирик ишлаб чиқаришларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш мезонлари ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Ушбу чора-тадбирлар 2007-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асоси бўлиши керак.

Ҳукумат мажлисида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлиги масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Республикамиз пахтакорлари томонидан 3,6 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси тайёрланди ва пахта йиғим-терими давом этмоқда. Мева-сабзавот ва узумдан яхши ҳосил етиштирилди. Уларни қайта ишлаш бўйича агрофирмалар тармоғи ривожланмоқда. Қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларнинг тизимли амалга оширилиши натижасида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш таъминланмоқда. Буни бир қатор вилоятлар фермерларининг ўзлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти билан бўлган учрашувларда алоҳида таъкидлашди.

Ушбу суҳбатлар чоғида қўйилган вазифаларни бажаришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда аграр секторда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вилоятлар ҳокимликлари, республиканинг тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳисоботларининг асосий мавзуси бўлди.

Шу билан бирга, пахта йиғим-терими мавсумини тугаллаш, кузги дон экинлари экишнинг мақбул агротехника муддатларида ўтказилишини таъминлаш ҳамда 2008 йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида ерларни шудгорлашни сифатли ўтказиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги муҳокама қилинган масалалар юзасидан республика ҳукуматининг мажлиси қарори қабул қилинди. Унда 2007 йил учун белгиланган энг муҳим устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳамда 2008 йилнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, марказий иқтисодиёт идоралари, барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг асосий вазифаси эканлиги қайд этилди.

ЎзА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент вилояти сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

Бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Қонуни 7, 11 ва 44-моддаларига мувофиқ Тошкент вилояти сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 4-"Кончи", 5-"Металлург", 16-"Янгиҳаёт", 18-"Зафар", 21-"Бўстон", 26-"Эшонгузар", 35-"Олимкент", 40-«Бойқозон», 41-"Заркент", 48-"Қорасув", 56-"Жумабозор" ва 59-"Гулбаҳор" сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга сайлов Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг 2004 йил 5 октябрда қабул қилинган "Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида" ги 3-сонли қарори билан тузилган чегаралар доирасида ўтказилсин.

2. Бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига сайлов ўтказиш бўйича 4-"Кончи", 5-"Металлург", 16-"Янгиҳаёт", 18-"Зафар", 21-"Бўстон", 26-"Эшонгузар", 35-"Олимкент", 41-"Заркент", 48-"Қорасув", 56-"Жумабозор" ва 59-"Гулбаҳор" сайлов округларида округ сайлов комиссиялари 9 ва 11 кишидан иборат таркибда тузилсин.

3. Халқ депутатлари Ангрен шаҳар, Бекобод шаҳар, Янгийўл шаҳар, Бекобод туман, Бўка туман, Зангиота туман, Оққўрғон туман, Паркент туман, Ўртачирчиқ туман, Юқоричирчиқ туман, Янгийўл туман Кенгашларининг тавсияларига кўра округ сайлов комиссияларининг таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

4-"Кончи" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Хидиров Махмудали – Ангрен шаҳар "Шарқий қурама" ОАЖ раиси

Комиссия раиси ўринбосари:

Шокирхонова Зарфахон – Ангрен шаҳар 29-мактаб директори

Комиссия котиби:

Дейханова Раъно – Ангрен шаҳар 28-мактаб директори

Комиссия аъзолари:

Жўраев Бегмат – Ангрен шаҳар иссиқлик электр станцияси директори ўринбосари

Исакова Дилфуза – Ангрен кўмир кони етакчи муҳандиси

Насриддинов Зохидхон – "Ўзбеккўмир" АЖ автомобиль технологик транспорти бошқармаси бошлиғи в.б.

Хакимова Назокат – Ангрен шаҳар 15-мактаб директори

Ниязимбетов Мақсуд – "Янги Ангрен монтаж" бошқармаси бошлиғи

Тўхлиев Эркин – Ангрен шаҳар Кўмир саноати касб-ҳунар коллежи раҳбари

5-"Металлург" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Мамарасулов Исмаил – Республика Маънавият-тарғибот маркази Бекобод шаҳар бўлими раҳбари

Комиссия раиси ўринбосари:

Тўйчиев Жўрабой – Бекобод шаҳар тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи

Комиссия котиби:

Алимова Одина – Қизил ярим ой жамияти Бекобод шаҳар Кенгаши раиси

Комиссия аъзолари:

Илкузиев Илёр – "Маҳалла" жамғармаси Бекобод шаҳар Кенгаши раиси

Бобоназаров Абдурахим – Бекобод шаҳар "Бекобод ишчиси", "Рабочий Бекабада" газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Қўшматов Акромжон – Бекобод шаҳар бош архитектори

Исмаилов Шерали – Бекобод шаҳар "Ахборот-маслаҳат маркази" бошлиғи

Абдукадирова Зульфия – Тошкент вилоят архивининг Бекобод шаҳар бўлимаси бошлиғи

Мухитдинов Низомиддин – Бекобод шаҳар шоҳбекати ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

16-"Янгиҳаёт" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Қаршиев Мамараим – "Маҳалла" жамғармасининг Янгийўл шаҳар Кенгаши раиси

Комиссия раиси ўринбосари:

Фозилова Маъмура – Янгийўл шаҳар Технологик иқтисодиёт коллежи раҳбари ўринбосари

Комиссия котиби:

Каримжонов Алишер – Янгийўл шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бош мутахассиси

Комиссия аъзолари:

Кутбидинов Акром – Янгийўл шаҳар катталар поликлиникаси врач-онкологи

Обиджонова Холида – Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудири

Эрназаров Боходир – Янгийўл шаҳар ветеринария бўлими бош шифокори

Зокиров Нодир – Янгийўл шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи

Амриева Манзура – Янгийўл шаҳар 3-мактаб директори

Худойберганова Дилором – Янгийўл шаҳар 3-мактабгача таълим муассасаси мудири

18-"Зафар" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Рафиев Орифжон – Бекобод туман ижтимоий таъминот бўлими мудири

Комиссия раиси ўринбосари:

Бобожонов Қобилжон – Бекобод педагогика коллежи директори

Комиссия котиби:

Хусаинова Умида – Бекобод туман 7-мактаб ўқитувчиси

Комиссия аъзолари:

Абдужабборов Нўмонжон – Бекобод туман халқ таълими бўлими услубчиси

Алимов Уткир – Бекобод туман "Қозоқбоев" маҳалла ф/й котиби

Қўлдошев Қобилжон – Бекобод туман 9-мактаб директори

Сулаймонов Ғуломжон – "Бекободтумангаз" корхонаси раҳбари

Жўраева Розибу – Бекобод туман 15-мактаб ўқитувчиси

Эшонқулов Раимқул – Бекобод туман 18-мактаб директори

Бекмуродов Шухрат – "Деҳқонобод" ф/х уюшмаси Маданият уйи директори

Усмонов Мансур – Ўрмон хўжалиги муҳандиси

21-"Бўстон" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Кушкинбоев Мухиддин – Бўка тумани 39-мактаб директори

Комиссия раиси ўринбосари:

Ғоипназаров Сапарали – Бўка тумани "Ботир" ф/х раҳбари

Комиссия котиби:

Арслонова Лилия – Бўка тумани "Бўстон" маҳалла ф/й котибаси

Комиссия аъзолари:

Калимбетова Ширингул – Бўка тумани 43-мактаб директори

Рахимов Шодмон – Бўка тумани ҳокимлиги ҳуқуқшуноси

Валиев Вохоб – Бўка тумани 47-мактаб ўқитувчиси

Жантаев Абдумавлон – Бўка тумани 36-мактаб директори

Хаитбоев Шавкат – Бўка тумани "Хаитбоев Шавкат" ф/х раҳбари

Тошбоев Адхам – Бўка тумани "Қўчқорсўйган" маҳалла ф/й котиби

26-"Эшонгузар" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Халилова Мухаббат – Зангиота тумани 14-мактаб директори

Комиссия раиси ўринбосари:

Саманова Мавлуда – Зангиота тумани 14-мактаб директори ўринбосари

Комиссия котиби:

Ортиқова Дилдора – Зангиота тумани 14-мактаб ўқитувчиси

Комиссия аъзолари:

Кўчқоров Ахрорхўжа – Зангиота тумани Эшонгузар ҚФЙ, А. Навоий маҳалла қўмитаси раиси

Мусаева Муҳайё – Зангиота тумани Эшонгузар ҚФЙ, "Маданият" маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси

Насимова Малохат – Зангиота тумани Эшонгузар ҚФЙ, Ойбек маҳалла қўмитаси раиси

Саламатов Комилжон – Зангиота тумани 14-мактаб директори ўринбосари

Алиева Малика – Зангиота тумани Эшонгузар ҚФЙ, Амир Темур маҳалла қўмитаси котиби

Шерматов Даврон – Зангиота тумани 14-мактаб ўқитувчиси

35-"Олимкент" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Шерқозиев Ботир – Оққўрғон тумани Олимкент ҚФЙ раиси

Комиссия раиси ўринбосари:

Наринбоев Бахтиёр – Оққўрғон тумани 3-мактаб директори

Комиссия котиби:

Ортиқова Наргиза – Оққўрғон тумани 3-мактаб руҳшуноси

Комиссия аъзолари:

Элмуродов Ёрмухаммад – Оққўрғон тумани 3-мактаб ўқитувчиси

Иномов Илҳом – Оққўрғон тумани "Расулова Жамила" ф/х раиси

Юсупов Илҳом – Оққўрғон тумани «46-автокорхона МЧЖ» раҳбари муовини

Омонов Йўлдош – Оққўрғон тумани "Электр тармоқлари" корхонаси бошлиғи

Абдухалилов Абдумажид – Оққўрғон тумани Тоштўғон ҚФЙ раиси

Аширматов Абдумутал – Оққўрғон тумани Аччи ҚФЙ раиси

40-"Бойқозон" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Миркамалов Мирсодиқ – Паркент тумани 31-мактаб директори

Комиссия раиси ўринбосари:

Турсунов Фарход – Паркент тумани Бойқозон қўрғони маданият уйи директори

Комиссия котиби:

Тўлаева Саида – Паркент тумани "Салохият" ёшлар маркази директори

Комиссия аъзолари:

Машрабов Фахриддин – Паркент тумани "Мулк, ҳисоб, ижара" давлат унитар корхонаси директори

Миразимов Манзирвай – Паркент тумани Паркент ҚФЙ котиби

Норинбоева Зулхумор – Паркент тумани 14-"Ширин" болалар боғчаси мудираси

Эргашов Бахром – Паркент тумани "Адолат-Орзимат" ф/х раҳбари

Тошпўлатова Раъно – Паркент тумани 25-мактаб директори

Усмонов Қаҳрамон – Паркент тумани 11-мактаб ўқитувчиси

41-"Заркент" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Алавутдинов Махмуд – Паркент тумани "Бошқизилсой" ф/х ҳудудий бошқаруви касаба уюшма қўмитаси раиси

Комиссия раиси ўринбосари:

Мирзаев Вохоб – Паркент тумани Агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Комиссия котиби:

Ниёзова Гулондон – Паркент тумани "Навдак" маҳалла ф/й котибаси

Комиссия аъзолари:

Камолов Фатхулла – Паркент тумани 19-мактаб ўқитувчиси

Тошев Сабриддин – Паркент тумани Сўқоқ қишлоғи Юқори маҳалла ф/й раиси

Турсунбоева Замира – Паркент тумани "Заркент Қаҳрамони" агрофирмаси ҳуқуқшуноси

Ёқубова Юлдуз – Паркент тумани Номданак қишлоғи Юқори маҳалла диний-маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси

Назаров Абдурахим – Паркент тумани 15-мактаб ўқитувчиси

Холтаев Давлат – Паркент тумани "Сўқоқ" қишлоқ врачлик пункти шифокори

48-"Қорасув" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Жуманова Раъно – Ўртачирчиқ тумани халқ таълими бўлими мудири

Комиссия раиси ўринбосари:

Эргашев Абдухамид – Ўртачирчиқ тумани ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи раҳбари

Комиссия котиби:

Пўлатова Дилфуза – Ўртачирчиқ тумани 72-ихтисослаштирилган мактаб директори

Комиссия аъзолари:

Ешанкулов Рустам – Ўртачирчиқ тумани "Пахтакор" ҚФЙ раиси

Аларханова Гулнора – Ўртачирчиқ тумани 68-мактаб директори

Ражабова Мая – Ўртачирчиқ тумани 49-мактаб директори

Джанетов Абилқосим – Ўртачирчиқ тумани "Навоий" ҚФЙ раиси

Тожиева Раъно – Ўртачирчиқ тумани 23-мактаб директори

Шохужаев Абдирасил – Ўртачирчиқ тумани 20-мактаб директори

Бозорбоев Тохир – Ўртачирчиқ тумани МТП ДАЖ раҳбари

Абдумуталов Нўмонжон – Ўртачирчиқ тумани "Дўстлик" ҚФЙ раиси

56-"Жумабозор" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Абдиев Жамолиддин – "Сурҳат-Қарқин" газетаси бош муҳаррири

Комиссия раиси ўринбосари:

Шералиев Комил – Юқоричирчиқ туман 26-мактаб директори

Комиссия котиби:

Каракозов Алимбек – Юқоричирчиқ туман Арганчи ҚФЙ ҳарбий ҳисоб бўлими бошлиғи

Комиссия аъзолари:

Устемиров Ашим – Юқоричирчиқ туман 16-мактаб ўқитувчиси

Мамбетов Сапар – Юқоричирчиқ туман Наврўз ҚФЙ, "Наврўз" маҳалла қўмитаси раиси

Эшонов Исмоғул – Юқоричирчиқ туман "Исмоил, Хадича, Тохир" фермер хўжалиги раҳбари

Мунсалиев Тошканбой – Юқоричирчиқ туман 14-мактаб директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Бегалиева Мехри – Юқоричирчиқ туман педагогика коллежи ўқитувчиси

Умиров Абдумажид – "Соипов Умирбек" ф/х раҳбари

Айтбаев Абдурахим – Юқоричирчиқ туман 22-мактаб директори

Абдуаитов Ботир – Юқоричирчиқ туман 17-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

59-"Гулбаҳор" округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Жўраева Мухаббат – Янгийўл тумани 1-мактаб иш юритувчиси

Комиссия раиси ўринбосари:

Хамрабеков Рустамбек – "Янгийўл матлубот савдо"МЧЖ бошқаруви раиси

Комиссия котиби:

Иргашова Нодира – Янгийўл тумани "Эски қовунчи" маҳалла ф/й котиби

Комиссия аъзолари:

Байзакова Юлдуз – Янгийўл тумани Гулбаҳор касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Ахмаджонов Бахтиёр – ЎзМЭИ ходими.

Пазлиева Сайёра – Янгийўл тумани 45-мактаб ўқитувчиси

Рахматуллаев Анвар – Янгийўл тумани Эски қовунчи КФЙ ҳарбий ҳисоб бўлими бошлиғи

Тўлаганов Фозил – Янгийўл тумани 44-мактаб ўқитувчиси

Эралиев Анорбой – Янгийўл тумани "Керимқулов" маҳалла ф/й раиси

Тожибоев Махаматқул – "Сани-ЛТД" қўшма корхонаси ишчиси

Тошпўлатова Парида – Янгийўл тумани "Янги ҳаёт" қишлоқ шифокорлик пункти бош шифокори

Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси **С. ҚУРБОНҚУЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 15 октябрь.

ДИН ВА ЭКОЛОГИЯ

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ва Тошкент Ислом университети ҳамкорлигида «Ислом маданиятида табиат ва инсон, поклик ва саломатлик масалалари» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Унда диний манбаларда табиат ва инсон муносабатларининг талқини, Ислом маданияти ва диннинг асосий ғоялари воситасида атроф-муҳитни тоза сақлаш, табиатни асраб-авайлаш орқали азалий қадриятларимизни тиклаш, маданият ва экологик хавфсизликнинг глобал муаммолари масалалари муҳокама қилинди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар, қатор хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг раҳбар ва вакиллари, Тошкент шаҳрининг диний уламолари иштирок этди.

Феруза ТЎРАЕВА.

Жиноят ва жазо

МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ

Тузуккина бир раҳбарни эл-юрт олдида иззат-ҳурматидан мосуво қилгани хусусида

Акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Паркент туман филиали бошқарувчиси Акмал Зоҳидов ҳибсга олиниб, тўққиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Қамоқдан чиққанидан кейин ҳам уч йил муддатга моддий жавобгарлиги бор мансаб лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Нега шундай бўлди? Ахир, у банк соҳасида озми-кўпми тажриба орттириб, мансаб пиллапояларидан ишонч билан кўтарилиб бораётган эди-ку?

Дарҳақиқат, Акмал Зоҳидов қирқ ёшдан ошиб, оқ-қоранинг фарқига борадиган даражага етганди. Банк соҳасидаги билими, тажрибаси етарли кўринарди. 2004 йил сентябрда банкнинг Паркент туман филиали бошқарувчиси лавозимига тайинланганди.

Қўлига муҳр тегиб, мулозимлар амрини ижро этиш учун қўл қовуштириб туришганини, ўзи раҳбар бўлиб ишлаётган муассаса эшикларидан қоп-қоп сўму доллар-лар олиб кирилиб-олиб чиқилаётганини кўргач, унинг фикри ўзгарди, юраги бежо ўйнай бошлади: «Наҳотки, шунча нарса қўлидан ўтса-ю, жилла қурса кафтларида изи қолмаса?!»

Ўйлаган киши ҳар нарсага йўл топиши азалдан маълум. Лекин Акмал Зоҳидов ўқиган, ўтган йиллар мобайнида банк ишининг нозик жиҳатларини обдон ўрганиб, вақти келса, улардан қандай фойдаланиш йўлларини чамалаб қўйган мутахассис эди. Шу боис эл кўзи учун фақат бир йилгина «тинч» ишлай олди. Муҳр қўлига топширилганига бир йил тўлиши билан «ҳаракати»ни бошлаб юборди. Агар шу йил январида республика Марказий банки эмиссия-касса департаментининг мутахассислари филиалда банк-касса ишлари юритилишининг аҳволини тўсатдан текшириб қолмаганларида ёпиқ қозон ёпиқлигича қолиб, қинғир ишлар пинҳона давом этаверарди.

Текшириш чоғи нақд валюта қолдиғи санокдан ўтказилаётганида 39 минг 940 АҚШ доллари камомади аниқланди-ю, Акмал Зоҳидовнинг икки йил давомидаги жиноий ишлари сув бетига қалқиб чиқди. Кейинги тергов-суд жараёнларида у мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш, уларни қалбакилаштириш йўли билан икки йил мобайнида 37 миллион 47 минг 468 сўм ва 39 минг 940 АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилгани аниқланди. Унинг жиноий ҳаракатлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун 2005 йил 27 сентябрь куни бошланган биргина «иш»ни босқичма-босқич кузатиб чиқиш кифоя. Шу куни мижоз Хурсан Тожибоев уч ойлик «Мураббий» муддатли омонатига 7 миллион сўм маблағ қўйди. Бу ёғини судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Элёр Бердиқуловдан эштинг. У ўша кезлари филиалнинг омонатлар бўйича мутахассиси лавозимида ишларди.

– 2005 йил 5 октябрь куни эди, – дейди Бердиқулов. – Бошқарувчимиз Акмал Зоҳидов хонасига чақириб: «Ҳозиргина мижозимиз Хурсан Тожибоевнинг уйига бориб гаплашиб келдим, – деди. – Унинг омонат жамғармасидаги маблағни олиб туришга келишдик. Дарҳол мижознинг омонат дафтарчасидан 2,5 миллион сўмни олиб туриш учун чиқим ордери ёзиб келинг».

Беихтиёр ўйлаб қоласиз: наҳотки муддатли омонат ҳисоб рақамидан маблағ олиш мумкин эмаслигини бошқарувчи билмаса? Билади. Яхши билади! Шу сабабли Тожибоевнинг омонат маблағи аввал «омонат маблағларни тақсимловчи» ҳисоб рақамига, ундан «талаб қилиб олгунча» ҳисоб рақамига ўтказилади.

– Шундан кейин, – давом этади Бердиқулов, – ундан 2,5 миллион сўмни чиқим қилиш ҳақида касса ордерини тўлдириб, бошқарувчига олиб кириб бердим. Зоҳидов: «Нима сабабдан бош ҳисобчи билан ўзинг имзо чекмадиларинг?» деб сўради. «Ордерда ҳали мижознинг имзоси йўқку», – дедим мен. Бошқарувчи мижоз дала ишлари билан бандлиги учун кела олмаётганлигини айтиб, ордерни олиб қолди. Шу тариқа ҳужжатга мен билан бош ҳисобчи Тўлқин Икромов имзо чекмаган бўлсак ҳам мижознинг омонат маблағидан 2,5 миллион сўм чиқим қилинди.

Худди шу йўл билан айни шу мижоз омонатидан эртаси – 6 октябрь куни 2 миллион 51 минг 999 сўм чиқим қилинди. Бу маблағлар қандай мақсадларга ишлатилганлигидан бош ҳисобчи ҳам, мутахассис ҳам хабарсиз қолишди.

Айни ўша вақтда Хурсан Тожибоевнинг рафиқаси Нурнисо Тожибоева ҳам шу банк филиалига 5 миллион сўм маблағни «Мураббий» омонат жамғармасига расмийлаштириб топширди. Бошқарувчи бу омонатга ҳам хиёнат қилди. Худди юқорида баён этилган сохтакорлик йўли билан бу ҳисоб рақамидан ҳам 30 сентябрь куни 4,3 миллион сўмни қалбаки ордер орқали олиб, талон-торож қилди.

Тергов жараёнида бу маблағлар ҳисобидан айрим деҳқон ва фермер хўжаликларининг кредит қарзлари ҳамда фоизлари ёпилганлиги аниқланди. Албатта, банк фармонбардори Акмал Зоҳидов бундай қалтис ишга қуруқ раҳмат эшитиш учун қўл урганига ишониш қийин.

– Тожибоевлар бошқарувчимизга омонат маблағларидан фойдаланиб туриш учун рухсат бермаганларини текшириш пайтида мижозларимизнинг ўзларидан эшитдик, – деди Бердиқулов судда. – Бошқарувчининг айтганларини бажариб, белгиланган тартибни бузганлигимиз учун қаттиқ пушаймондаман.

Қўли остида ишловчилар ҳар бир амрини «ғинг-пинг» демай бажараётгани, дастлабки қинғир ишлари ҳамирдан қил суғургандек битгани Зоҳидовнинг нафсини ҳаккалак оттириб юборди. У 2005-2006 йиллари банк мижозлари А. Ҳасановнинг 9 миллион 450 минг, Й. Назаровнинг 18 миллион 600 минг, Ҳ. Юсуповнинг 1 миллион 872 минг, А. Хожиматовнинг 6 миллион 9 минг, Ф. Нишоновнинг 2 миллион 287 минг, Х. Пардаевнинг 2 миллион, М. Мирахмедовнинг 2 миллион 261 минг – жами 37 миллион 47 минг 468 сўм маблағларини талон-торож қилган. Бунинг учун у қандай мансаб сохтакорликларига қўл урганини, расмий ҳужжатларга қандай қилиб сохта маълумотлар киритганлиги, ҳужжатларни қандай қалбакилаштирганлиги, мижозлар номидан ҳужжатларни ўзи имзолаганлиги тергов-суд жараёнларида бирин-сирин, ипидан игнасигача аниқланди.

Лекин Акмал Зоҳидовга қўйилган бу айблар хамир учидан патир, холос. Миллий валюта бўйича фирибгарликларни «ёпиқлик қозон»да қолиб келаётганлигидан дадиллашган мансабдор у қилди-бу қилди, бош ҳисобчи Тўлқин Икромов билан ғазна мудири Шоҳида Раҳимшиковани банкда сақланаётган АҚШ долларини миллий сўмга айлантириб, бу маблағларни мижозларнинг биринчи даражали тўловларини тўлашга йўналтириш ниятида эканлигига ишонтирди. Натижада тилхат билан 23 январь куни 15 минг, 25 январь куни 10 минг, 27 январь куни 14 минг 940 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда ўзи олиб кетди, лекин ғазнага тангамири ҳам кирим қилмади. Бу жиноятни хаспўшлаб, ғазначи Ш. Рахимшикова 2 январь куни фуқаролар Х. Ҳосилов, И. Аъзамов, С. Тошбоев, К. Абдусамадов, М. Каримова, Э. Эргашев, М. Жўрабоев, А. Норматовнинг ҳар бирига 5 мингдан – жами 40 минг АҚШ доллари филиалнинг валюта айрибошлаш шахобчаси орқали сотилганлиги ҳақида сохта маълумотнома тайёрлаб, ғазна ҳужжатларини «тўғирлаб» қўйди. Шу тариқа у давлат ва жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлди.

– Бошқарувчининг оғзаки гапи ва тилхатларига ишониб, мижозларсиз, уларнинг номидан омонат пулларини чиқим қилишга асло ҳаққим йўқлигини билдирдим, – деди у судда афсусланиб. – Фақат иш жойимни йўқотиб қўйишдан қўрқдим. Шу ҳолат унинг топшириғини итоаткорлик билан бажаришимга сабаб бўлди.

Ҳар бир хатти-ҳаракат инсоннинг маънавиятига боғлиқ. Бу ўринда ғазначи қўрқув туфайли жиноятчи раҳбарининг нопок ишларига аралашиб қолганлиги аён. Лекин айни шу банк муассасасининг кассири Галина Ибрагимова миржоз Азиз Хасанов номига ёзилган чиқим ордерига ўз имзосини қўймади-ку? У бошқарувчининг талабини бажариб, 5 миллион 850 минг сўмни унга бериб юборган, лекин хужжатни имзоламаган. Омонат бўйича мутахассис Элёр Бердиқулов эса, ҳатто бошқарувчига фақат ордерда мижоз имзоси бўлсагина уни имзолашини рўй-рост айтишдан ҳайиқмаган. Ўзбошимча раҳбар фақат ўзи имзо қўйган ордер орқали мижознинг 2,5 миллион сўм омонатини олиб, ўз мақсадлари учун сарфлаб юборган.

Умуман, жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман суди ўз очиқ мажлисида банк бошқарувчиси Акмал Зоҳидов, бош ҳисобчи Тўлқин Икромов ва ғазна мудираси Шоҳида Раҳимшиковаларнинг жиноий ишларини кўриб чиқаётганида қонун ва белгиланган тартиб олдида ўз масъулиятини унутган мансабдорларнинг сохтакорлик, кўзбўямачилик ва ҳужжатларни қалбакилаштиришларига доир ўнлаб воқеаларга ойдинлик киритди. Судланувчи Акмал Зоҳидов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча модда ва бандлари бўйича айбдор деб топилиб, унга умумий ҳисобда тўққиз йил муддатга қамоқ жазоси белгиланди.

Кўриниб турибдики, эгри иш асло жазосиз қолмайди. Жиноятчи қанчалик устомон бўлмасин, барибир бир кун келиб, сири очилади. Паркентда банк бошқарувчиси бўлиб ишлаган Акмал Зоҳидов ва унинг ҳайбаракалла-чилари содир этган жиноятлар ва суднинг одил ҳукми фикримизнинг далилидир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

БЎКА ТУМАНИ:

ҚИРҚ МИНГ ТОННАЛИК ХИРМОН

Бу бугунги фермернинг мушоҳадаси. Бу ҳар қандай вазиятда ҳам дангалини айтадиган деҳқоннинг гапи. Бу ёғини сўрасангиз, қарийб 50 гектар ерда пахта етиштирган «Саиджаббор Омонхўжа» фермер хўжалиги деҳқонлари қабул пунктларига биринчи теримнинг ўзидаёқ 134 тонна хом ашё топшириб, зиммаларидаги масъулиятни адо этдилар. Ҳосилнинг ростмана мўл бўлгани боис, улар бугунгача давлатга қўшимча 30 тонна пахта сотдилар. Кўриниб турибдики, ҳосилдорлик 32-33 центнерни ташкил этмоқда. Хомаки ҳисоблаганда ҳам, фермер кутганидан анча зиёда даромад олиши ойдинлашади.

– Давлатга режада белгиланган 72 тонна ўрнига 104 тонна пахта сотдик, – дейди яна бир заминдор Жўрахон Валиев. – Бу зиммамиздаги вазифа салкам 150 фоизга уддаланди, деганидир. Табиийки, тармоқдан кўрадиган даромадимиз қарийб 1,5 баробарга ошади. Бу билан албатта, хўжалигимизда биз билан ёнма-ён меҳнат қилган йигирмага яқин аъзоимизнинг моддий манфаатдорлиги ҳам шунча миқдорда ошади, дея бемалол айтсак бўлади.

Мавсум мобайнида фермерлар даласидан бот-бот жўнатиб турилган ҳосил «Бўка пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти ва унга қарашли шахобчаларда пешма-пеш қабул қилиб борилди. Хом ашёни тортиш, навларга ажратиш қатъий назорат остида, ҳосил эгаларининг бевосита кузатувида бўлди.

Айни дамда, корхона ишчи-хизматчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Келтирилган ҳосил қайта ишланиб, буюртмачиларга жўнатишга тахт қилинаяпти.

Шарафли вазифани қисқа фурсатда, уюшқоқлик билан уддалаган бўкалик пахтакорлар чаноқларда қолган ҳосилни ҳам имкон қадар тезроқ йиғиштириб олиш ҳаракатидалар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СУРАТДА:

Бўка туманидаги Суннат Хўжамов раҳбарлигидаги «Мурувват» фермер хўжалиги дастлабки теримдаёқ биринчилардан бўлиб шартномавий режани бажарди.

БЕКОБОД ТУМАНИ:

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ САМАРАСИ

Хусусан, куз, қиш кунларида ариқ-зовурларни сифатли тозалаш, бироз ноқулай об-ҳаво шароити билан муттасил курашиб, таъбир жоиз бўлса, Бекобод шамолини доғда қолдириб, чигит экишдан тортиб ғўза парваришига оид барча агротехник жараёнларни мукаммал адо этиш озмунча ғайрат-шижоат, меҳнат ва матонат талаб этмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Туман хирмонига «Мурувват-текс» корхонасининг Бекобод агросаноат шўъбаси, айниқса, салмоқли улуш қўшди. Жамоа деҳқонлари контрактация шартномасида белгиланганидан анча ошириб, 4830 тонна пахта топшириб беришди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Бир қатор деҳқонлар ўз қарамоғларидаги йирик-йирик контурларда ҳосилдорликни 35 центнердан оширишга муваффақ бўлдилар.

Анъанага кўра, бу мавсум ҳам туман фермер хўжаликлари ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Уларнинг аксарияти ҳосилдорликни 35, ҳатто 40 центнерга олиб чиқдилар.

Бекобод шароитида бундай самарадорликка қай омиллар ҳисобидан эришилмоқда?

– Аввало, ҳудудимиз шароитига мос нав танлашга катта эътибор берилмоқда, – дейди фермер Абдуҳолиқ Жабборов. – Мисол учун «Ан-Боёвут» нави туман деҳқонларига кўп йиллардан бери яхши таниш. Бу йилдан эса бошқа фермерлар қатори «Бухоро-102» навини синаб кўрдик. Натижа чакки бўлмади. Авваламбор, бу нав сувни кам талаб қилиши билан бирга илдиз қисми ҳам, танаси ҳам бақувват ривожланади. Ҳосили эртаки, толаси пишиқ, рисоладагидек.

Бу йил туман бўйича 2500 гектар майдонга «Бухоро-102» навли чигит экилди. Самарадорликдан қониқиш ҳосил қилган заминдорлар келгуси йили бу навга кенгроқ ўрин бериш ниятидалар.

Шунингдек, тумандаги «Марҳамат-Саломат» фермер хўжалиги аъзолари 43 гектарда пахта етиштириб, биринчи теримнинг ўзидаёқ пахтазордан 177 тонна ҳосил йиғиб олдилар. Бу контрактация шартномасини бажаришга кифоя қилди. Пахтакорлар иккинчи теримни эндигина бошлашди. Ҳисобкитобларга кўра, иккинчи теримдан ҳам 10 центнер ҳосил жамғариш мумкин. Демак, улар ялпи ҳосилдорликни бемалол 40 центнерга етказадилар.

Бундай самарадорликни тумандаги «Нормат ота», «Назарали файз-агро», «Ҳосилот Раим Бўронов» каби ўнлаб фермер хўжаликлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туманда йиғим-терим жадал давом этмоқда.

СУРАТДА:

Бекобод туманидаги «Имомберди» фермер хўжалиги раҳбари Имомберди Тошбоев юқори ҳосилдорликка эришгани учун туман ҳокимлиги совғасини қабул қилмоқда.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истеъмолчи

СУҒУРТА ПУЛИ ҚАНДАЙ УНДИРИЛДИ?

Янгийўл туманида истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида аҳолининг ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза ва шикоятлар вақтида ва ижобий ҳал қилинмоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамиша диққат марказимизда турибди. Коллеж ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танловининг иккинчи босқичи ўтказилди. Ўқувчи ёшларимиз истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқларини чуқур ўрганиб олишларида унинг аҳамияти катта бўлаётир.

Аҳоли саломатлигини таъминлаш мақсадида турғун чакана савдо шахобчаларида сотилаётган ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлатилаётган ош тузларининг йодланганлигини ўрганиш мақсадида рейдлар ўтказилиб, камчиликлар бартараф қилинмоқда.

Фақатгина шу йилнинг ўтган ойларида истеъмолчилардан 25 та шикоят аризаси олинди. Улар юзасидан жойларда мониторинг кузатувлари ўтказилаяпти. Бу мурожаатномаларнинг аксарияти ижобий ҳал этилишига эришилди. Жумладан, Халқобод қишлоғининг Бобур маҳалласида яшовчи фуқаро Р. Ҳайитова «Янгийўлгаз» идораси ходимлари ўлчагич асбобини бузиб қўйишгани, уни таъмирлаш чоғида кўрсаткични анча кўпайтириб кетишгани тўғрисида шикоят аризаси билан мурожаат қилди. Ўтказилган текширувлар чиндан ҳам истеъмолчи ҳуқуқи бузилганлигини кўрсатди. Қўштепа маҳалласида яшовчи фуқаро Ж. Яхшибоевнинг «Чилонзор буюм бозори»дан сотиб олинган DVD аппарати эҳтиёт қисмлари тўлиқ эмаслиги, Ниёзбошидаги Пахта маҳалласида яшовчи фуқаро Ф. Нурматовнинг онаси Янгийўл нон ишлаб чиқариш корхонасида ишлаган пайтларида қанд касаллигига чалинганлиги, шунинг учун товон пули ундирилишига ёрдам бериш ҳақидаги мурожаатномалари ҳам ижобий ҳал қилинди. Чунончи, фуқаро Ф. Нурматов фойдасига 850 минг сўм миқдорида тўлов ундирилишига эришилди.

Яна бир шикоят аризасини кўриб чиқиш натижаларига ҳам тўхталиб ўтиш ўринли. Фуқаро Р. Ҳайитованинг сигири 864 минг сўмга суғурта қилдирилган эди. Лекин у касалланиб, мажбуран сўйиб юборилди. Истеъмолчимиз қолган зарарни қоплашни сўраб, суғурта идорасига мурожаат қилган. Лекин ҳужжатларни расмийлаштириш пайсалга солинган. Шундан кейин фуқаро бизга мурожаат қилди. Масала жойида ўрганилиб, фуқарога суғурта суммасини тўлиқ тўлаш бўйича ҳужжатлар вилоят суғурта идорасига тақдим этилди.

Бироқ, бу гал ҳам тўловни қайтариш пайсалга солинди. Шундан кейин ҳужжатлар вилоят адлия бошқармасида кўриб чиқилди. Фуқарога 664 минг сўм тўлов пеняси билан қўшиб қайтарилишига эришилди.

Кўриниб турибдики, истеъмолчилар асосий ҳолларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етмоқдалар.

Жамиятимиз истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини қонун доирасида ҳимоя қилаётир. Агар харидингиздан кўнглингиз тўлмай, бирор муаммога дуч келсангиз, ўзингизни қизиқтирган саволлар билан бизга мурожаат қилинг.

Умиджон АҲМЕДОВ,
Янгийўл тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси.

ДАСТЛАБКИ ЮТУҚ

Пскент тумани заминдорлари кейинги йилларда пахтачиликда юксак самарадорликка эришмоқдалар. Хусусан, давлат эҳтиёжлари учун хом ашё тайёрлашда илғорлар қаторида бораётирлар.

Тумандаги «Ўзбекистон» фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли заминдорлар ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб, контрактация шартномаларини бирин-кетин ортиғи билан адо этмоқдалар. Мазкур уюшма таркибидаги фермерлар жами 134 гектар майдонда ҳосил етиштириб, қабул пунктларига 300 тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё етказиб бердилар.

– Айниқса, ҳудудимиздаги «Ёрқин», «Худойберди Бекзод», Усмон Тўрақулов номли фермер хўжаликларида етиштирилган мўл ҳосил хирмонимиз асосини ташкил этди, – дейди уюшма раҳбари Абдибой Маматқулов. – Уларда ҳосилдорлик 25-27 центнерга етди. Бу ширкат даврида анча қолоқлашиб қолган ҳудудимизда дастлабки арзирли ютуқ бўлди.

Алишер РАҲМАТОВ.



КАСАНАЧИЛИК – МАҚБУЛ УСУЛ

Президентимизнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аҳолининг бандлик даражасини ошириш, уй меҳнатига асосланган янги иш ўринлари ташкил этиш борасида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Янгийўл шаҳар бандликка кўмаклашиш марказидан олинган маълумотларга кўра, бу ерда жорий йилнинг ўтган даврида 350 нафар киши касаначилик асосида иш билан таъминланган. Уларнинг ўттиз нафардан кўпроғи "Янгийўлбиокимё" акциядорлик жамиятида меҳнат қилмоқда.

– Илгари уйимдан анча олисдаги корхонада ишлардим, – дейди касаначилардан бири Ирода Хусанова. – Вақтим ва маблағимнинг асосий қисми йўлга сарфланар эди. Ҳозир уйимизга яқин корхонада касаначилик асосида меҳнат қиляпман. Бу иш менга ҳар жиҳатдан маъқул. Рўзғор юмушларига ҳам, болалар тарбиясига ҳам вақт топяпман. Буюртмалар ҳам ўз вақтида бажариляпти.

Х. САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Шарҳловчи минбари

"ҚОРА ОЛТИН" БАҲОСИ

АҚШда "қора олтин" нархи ошмоқда. Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган сўнгги савдода бир баррель нефть 81,30 АҚШ долларига баҳоланди. Бу кўрсаткич аввалги савдода қайд этилган нархдан 1,04 доллар кўпдир.

Мутахассисларнинг фикрича, нефть баҳосининг ошишига Нигерия конларидаги иш ташлаш сабаб бўлган. Бу конларга жангарилар тез-тез ҳужум уюштириб туради ва бундан, айниқса, ишчилар азият чекади. Нотинчлик уларнинг ишга қизиқишини сўндирмоқда.

Айтиш жоизки, Нигерия Африкадаги энг йирик нефть экспортчиларидан ва йирик истеъмолчи давлатларни углеводород хом ашёси билан таъмиинлайдиган муҳим мамлакатлардан биридир.

АҚШ Энергетика вазирлигининг маълумотларига қараганда, дунёда "қора олтин"га талаб жорий йилнинг тўртинчи чорагида 2006 йилдагига нисбатан кунига 1,8 миллион баррелга ортади. Экспертлар бу ҳолат ҳам нефть баҳосининг кўтарилишига сабаб бўлишини таъкидлашмоқда.

Нью-Йорк хом ашё биржасида нефть нархи 2007 йилнинг 20 сентябрида рекорд кўрсаткичга – 82,51 долларга чиққан эди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

ВЕЛОСИПЕД УЧУН ҚАРОР

Парижда велосипедларни ижарага бериш шохобчалари иш бошлади. Жорий йилнинг бошида кўчалардаги тирбандликка барҳам бериш, атроф-муҳит мусаффолигини яхшилаш мақсадида Париж мэрияси шаҳар аҳли ва меҳмонларни велосипеддан фойдаланишга жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Хабарларга қараганда, бугунги кунда Парижда велосипедларни ижарага берадиган 750 шохобча фаолият юритмоқда. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун ўн мингдан зиёд велосипед тайёрлаб қўйилган. Қулайлиги шундаки, улар ижарага олган велосипедини исталган велосипед бекатида қолдириб, кейинги бекатда бошқасини миниб кетавериши мумкин.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ижарадан фойдаланиш учун шохобчалардан махсус чипта харид қилинса бас. Чипталар ҳам ҳар хил – бир йиллик (29 евро), бир ҳафталик (5 евро), бир кунлик (1 евро).

ЎзА.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва ислоҳот ўтказиш масалалари юзасидан йиллик ҳисоботларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ушбу муҳим ҳисоботлар Халқаро молия корпорацияси (IFC) ва ваколатхонанинг ўзаро ҳамкорлигида тайёрланди.

ЕТАКЧИ МАМЛАКАТЛАР ҚАТОРИДА

Ҳисоботларда келтирилишича, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит мавжудлиги бўйича Ўзбекистон умумий рейтингда 138-ўринни эгаллаган. Шунингдек, мамлакатимиз компанияларни ихтиёрий тугатиш ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш жараёнини ислоҳ қилиш бўйича етакчи ўнта мамлакат сафидан ўрин олди.

Ҳисобот ишида ўтказилган ислоҳотлар корхоналарни рўйхатга олиш жараёнини соддалаштириш, бизнесни ихтиёрий равишда тугатишни тартибга солиш, кўчмас мулк учун мулк ҳуқуқини ўтказиш қиймати ва корхоналарга солинадиган солиқ юкини камайтиришга имкон яратганлиги таъкидланди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонни Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги етакчи ислоҳотчи мамлакатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қилди.

– Ушбу ҳисоботни тайёрлаш жараёнида тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш, лицензия ва рухсатномалар олиш, солиққа тортиш ҳамда кўчмас мулкнинг ҳаракати бўйича ҳолатларни ҳам ўргандик, – деди Халқаро молия корпорациясининг Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лойиҳаси раҳбари Зафар Ҳошимов. – Шу ўринда бир мисол. Республикада тадбиркорлик соҳасидаги лицензияларнинг амал қилиш минимал муддати бир йилдан беш йилгача узайтирилди. Айни пайтда тадбиркорлик фаолиятининг 13 тури бўйича, жумладан, туризм, аудиторлик, биржа, қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият учун лицензиялар чекланмаган муддатга бериладиган бўлди.

Хуршида НАЗАРОВА.

"ШЕВРОЛЕ": ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Мамлакатимизда жаҳондаги энг йирик "General Motors" автомобиль саноати корпорацияси билан ҳамкорликда "Шевроле" автомобиллари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланадиган "GM Ўзбекистон" қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган жаҳон бозорида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш стратегиясини изчил амалга ошириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Энди Асака заводининг ишлаб чиқариш қуввати янада модернизация қилиниб, унинг негизида, энг илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда, Европанинг замонавий машиналари ишлаб чиқарилади.

Бугун юртимизда ишлаб чиқарилаётган машиналарга дунёнинг кўпгина давлатларида талаб катта. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида республикамизда мутлақо янги соҳани ташкил этишга киришилганида мустақил Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатга айланишига айримлар ишонқирамай қараган эди. Вақт эса улкан интеллектуал ва техник салоҳиятга эга бўлган меҳнаткаш ўзбек халқи бундан-да катта ишларга қодир эканини кўрсатмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳон бозорида харидоргир самолётлар, қишлоқ хўжалик техникалари, кўплаб турдаги юқори технологияларга асосланган мураккаб, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

1996 йилда ташкил этилган "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти конвейерларида шу пайтгача "Ласетти", "Матиз", "Нексия", "Дамас" ва "Тико" автомобиллари ишлаб чиқарилди. Сўнгги беш йилда ички ва ташқи бозорда ушбу машиналарга талаб ортиб бораётгани эътиборга олиниб, уларни ишлаб чиқариш йилига 40,5 мингтадан 170 мингтага кўпайтирилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида халқимиз фаровонлиги ошиб бормоқда. Одамларнинг энг сўнгги илм-фан ва техника талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган товарлар, шу жумладан қулай, шинам, энг яхши техник ва фойдаланиш хусусиятига эга автомобилларга бўлган эҳтиёжи ҳам тобора ортаётир. Энди бундай автомобиллар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилган янги қўшма корхонада ишлаб чиқарилади. Айни пайтда қўшма корхона фаолиятининг дастлабки босқичи маҳсули бўлган "Ласетти", "Матиз", "Нексия" ва "Дамас"ларни ишлаб чиқариш давом эттирилади.

"Шевроле"нинг учта – "Captiva", "Epica" ва "Tacuma" русумдаги автомобиллари ишлаб чиқарилади. Бу моделларнинг танланганги бежиз эмас, албатта. Негаки, уларнинг ҳар бири харидорларнинг турли эҳтиёжлари учун мўлжалланган. Айни вақтда ушбу автомобиллар ажойиб дизайни, йўлда керак бўладиган кўплаб асбоб-ускуналарга эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Бу эса ҳайдовчи ва йўловчининг барча талаблари эътиборга олинганидан далолат беради.

"Captiva"

"Captiva" – барча техник талабларга жавоб берадиган ва ўтиш қийин бўлган йўлларда ҳам ҳаракатлана оладиган, ўзида спорт ҳамда замонавий услубни уйғунлаштирган машинадир. Бу "Шевроле"нинг Европа бозоридаги тўрт цилиндрли DOHC дизель двигатели ўрнатилиши мумкин бўлган биринчи моделидир. Бу машина фойдаланилган газлар заҳрини камайтирадиган "common rail" ёқилғиси билан ишлайдиган тизимга эга. Бундан ташқари, "Captiva"га ўрнатиш учун 133 ва 225 от кучига эга бензин билан ишлайдиган иккита двигатель таклиф этилмоқда. Машина конструкциясида фойдаланиладиган янги технологиялар тик қияликларда ёки кичик тезликда ҳаракатланишни аниқ назорат қилишга ёрдам беради. Машина ҳажмининг ихчамлиги ундан шаҳар шароитида ҳам унумли фойдаланиш имконини беради.

"Captiva" мукаммал шаклга эга. Етти нафар йўловчини сиғдира оладиган ушбу автомобилнинг иқлимни автоматик тарзда бошқариш тизими ва чарм қопламали салони қулай ҳамда ихчам. Унинг салонидаги ўриндиқлар ётқизилса, мебель сиғадиган юкхонага айланиши мумкин. "Captiva" салонининг кенглиги бўйича бундай тоифадаги энг яхши моделлардан биридир.

Мазкур машинада ҳайдовчи учун ҳам кўплаб қулайликлар яратилган. Телескопик рул колонкаси пастга ва баландга кўтарилади, марказий консолнинг бошқарув панелидан ажратилгани ҳайдовчи ўриндиғида бемалол ўтириш имконини беради. "Captiva" йўлда қаршиликларни аниқловчи ва тўхташни осонлаштирадиган ультратовушли тизим билан жиҳозланган. Автомобиль конструкциясида ҳаракат хавфсизлиғини таъминловчи кўплаб технологиялар қўлланган. Тормозни гидравлик кучайтиргич, баландликдан тушишда ҳаракатни бошқарадиган, автомобилни ағдарилишдан ҳимоялайдиган, авария юз берганда педалларни ажратадиган тизимлар, тўғри ва ёнбош хавфсизлик ёстиқлари, болалар ўриндиқларини мустаҳкамлагич шулар жумласидандир. Салоннинг каркаси ўта мустаҳкам пўлатдан тайёрланган.

"Epica"

"Epica" - хром билан безатилган, замонавий ва чиройли автомобиль. Бу машинадан байрамларда ҳам, оддий кунларда ҳам фойдаланиш мумкин. Юкхонаси унчалик катта эмас. Катта ҳажмдаги юк ташиш учун орқа ўриндиқларни йиғиб қўйиш мумкин. Йўловчилар хавфсизлиғига ҳам катта эътибор берилган. Машинанинг олдинги таянч қисми ва тормозланиш кучини электрон тақсимлайдиган тормоз блоки уни ишончли бошқариш имконини беради. "Epica" йўловчи хавфсизлиги учун 40 фоизли ўта чидамли пўлат ячейка, тўғри ва ёнбош хавфсизлик ёстиқлари билан жиҳозланган.

Автомобилга 143 от кучига эга, мутлақо янги 6 цилиндрли двигатель ўрнатилган. Бу двигатель ҳавога чиқадиган чиқиндилар заҳарлилигининг камлиги бўйича "Euro IV" стандарти талабларига тўлиқ мос келади, шовқин ва тебраниш даражасининг пастлиги билан ажралиб туради.

"Tacuma"

"Tacuma" машинаси дизайни Италиянинг "Пининфарина" кузов ателъесида ишлаб чиқилган. Кузовнинг силлиқ шакли, букилган ёнбош ойналар, чиройли орқа чироқлар, 15 дюмли ғилдирак чамбараги ҳамда янги дизайндаги радиатор панжараси машинага ўзига хос гўзал қиёфа бахш этади. Таклиф этилаётган двигателлар ҳажмига қараб 105 ва 121 от кучига эга бўлиб, 5 босқичли механик трансмиссия тезликни ошириш ва ёқилғини тежашни таъминлайди. Унинг кузови зарб кучини қайтариш хусусиятига эга. Бундан ташқари, салонда хавфсизлик ёстиғи ва камарлари бор. Салоннинг орқа қисмидаги учта алоҳида ўриндиқни йиғиб қўйиш ёки ечиб олиш мумкин, уларнинг орқасида қайтариб қўйиладиган стол жойлашган. Шу тариқа "Tacuma" ҳаракатланишда ўзида кўплаб қулайлик ва шинамликларни мужассам этган ҳамда кишига завқ бағишлайдиган ажойиб автомобилдир.

"GM Ўзбекистон" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган "Шевроле"лар Тошкентдаги ва Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларидаги автосалонларда сотилади. Сўнгра ушбу ажойиб ва замонавий автомобилларни харид қилиш мумкин бўлган автосалонлар тармоғи "Шевроле" моделларининг кўпайишига қараб кенгайтирилади.

Яқин орада олис туманлик фермер деҳқончилик қиладиган ўз хўжалигига "Captiva"да, хусусий тадбиркор кундалик ишларига "Epica"да, ҳар бир оила "Tacuma"да бозор-ўчар қилиши ёки шаҳар ташқарисига дам олиш учун бориши одатий ҳолга айланади.

Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ўз тараққиёт йўлини белгилаб олган, бозор иқтисодиёти ривожланган давлат қураётган, ўз фаровонлигини ошириш борасида катта салоҳият ва зарур шароит-шароитга эга халқимиз яшаётган янги даврнинг ўзига хос белгиларидир.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ

Тошкентда 17-18 октябрь кунлари "Ипак йўли туризми" XIII Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтади

Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон ўзининг ноёб тарихий ёдгорликлари, бугунги кунда моҳирона услубда таъмирланган ва нозик дид билан безатилган қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, ўзига хос хушманзара табиати ва файзли гўшалари, бетакрор маданияти, анъаналари билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этмоқда.

"Ўзбектуризм" миллий компаниясининг "Буюк ипак йўли" агентлиги директори Фарангиз Абдуллаеванинг айтишича, 1995 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка сайёҳлик соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки, Марказий Осиё микёсидаги йирик халқаро анжумандир. Ярмаркада дунёнинг етакчи халқаро сайёҳлик ташкилотлари, фирма ва компаниялари, мутахассислар, олим ва экспертлар Ўзбекистон сайёҳлик тармоғидаги сўнгги ютуқлар, ўзгаришлар, янги анъаналар билан яқиндан танишадилар. Анжуман доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кўп жалб қилиш усуллари борасида хорижлик мутахассислар билан фикр алмашилади ва янги лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади. Хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликка оид битимлар тузилади.

Қувонарлиси шундаки, ярмаркада иштирок этаётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошмоқда. 2006 йилда анжуманда йигирмага яқин мамлакатдан қарийб олтмишта сайёҳлик ташкилоти қатнашган эди. Бу йилги ярмаркага Россия, Испания, Греция, Чехия, Туркия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Малайзия, Эрон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби ўттизга яқин мамлакатдан қарийб саксонта фирма ва компания вакиллари иштирок этиш истагини билдирган.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

Пойтахтимиздаги "Марказий ҳарбий спорт клуби" стадионида футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йили Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида бўладиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун саралаш мусобақасининг дастлабки учрашувида Хитой Тайпейи футболчиларини қабул қилди.

ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС РЕКОРДИ

Жаҳон чемпионатининг биринчи саралаш босқичи қоидасига биноан бир-бирига рўбаро келган терма жамоалар уй-сафар тизимида ўзаро икки учрашув ўтказади ва умумий натижага кўра, ғолиб жамоа кейинги босқичга чиқади.

Гарчи ўзбекистонлик футбол мухлислари ва мутахассислари футболчиларимизнинг Хитой Тайпейи жамоасини енгишига шубҳа қилмаган бўлса-да, учрашувда рақиб дарвозасига ўнга яқин тўп киритилишини ҳамма ҳам тасаввур қила олмаган эди.

Шу куни майдонга тушган футболчиларимиз ўз олдига қўйилган вазифани ортиғи билан уддалади. Терма жамоамиз сардори Максим Шацких дастлабки ҳужумдаёқ рақиб дарвозасини ишғол қилди. Учрашув якунлангунча моҳир ҳужумчимиз Хитой Тайпейи жамоаси посбони Лу Кун Чини ўз дарвозасидан яна тўрт маротаба тўп олиб чиқишга мажбур қилди.

Шу куни миллий терма жамоа таркибида илк маротаба майдонга тушган Шавкат Саломов ҳам ўзининг биринчи голини киритди. Шунингдек, Темур Копадзе, Виктор Карпенко ва Улуғбек Бақоев томонидан киритилган голлар ҳамюртларимизга 9:0 ҳисобида ғалаба келтирди. Бу натижа Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ўз майдонида ўтказган расмий учрашувларидаги энг йирик ҳисобдир.

Шундай қилиб, 2010 йилда илк маротаба Африка қитъаси мезбонлик қиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финал босқичига чиқиш йўлидаги биринчи зафарли қадам ташланди. Энди ўзбекистонлик чарм тўп усталари 28 октябрь куни Хитой Тайпейи терма жамоаси меҳмони бўлади.

ҲАКАМЛАРИМИЗ ОСИЁ МАЙДОНЛАРИДА

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) раҳбарияти қарорига кўра, ўзбекистонлик ФИФА рефери ассистентлари – Бахтиёр Тоғаев ва Абдуҳамидулло Расулов ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг саралаш босқичи учрашувларида иштирок этади.

Ҳамюртларимиз жорий йилнинг 27 октябрь – 27 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган "С" саралаш гуруҳидаги учрашувларни бошқаришда Баҳрайн, Қатар, Иордания, Сурия ва Уммон давлатларидан келадиган рефериларга кўмаклашади.

Осиё футбол конфедерацияси томонидан мусобақага жалб этилган барча рефери ва уларнинг ассистентлари қатори Б. Тоғаев ва А. Расулов 25 октябрь куни Бирлашган Араб Амирликларида жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳон топширади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Кейинги йилларда табиий шифобахш гиёҳлардан тайёрланаётган дори-дармонларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Миллий фармацевтикани ривожлантириш билан боғлиқ бу жараёнда «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни корхоналари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

ДОРИВОР ЧОЙЛАР КЎПАЯДИ

Паркент туманида «Доривор ўсимликлар» масъулияти чекланган жамиятининг юзага келиши ҳам айни муддао бўлди. Концерн таркибида иш бошлаган бу корхона мойчечак, ялпиз, наъматак, тирноқгул, дўлана каби доривор ўсимликларни етиштириш билан ҳам шуғулланади. Ёввойи ҳолда ўсадиган шифобахш гиёҳлардан иборат хом ашё негизини яратиш чоралари ҳам кўрилмоқда. Шу асосда ўндан ортиқ турдаги доривор ўсимликдан чойлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

«Доривор ўсимликлар» жамияти чойларни қадоқлаш линиясини ўрнатишга ҳам киришди.

Акбар АЛИЕВ.

КУНЛАРДАН БИР КУН...

Ҳар бир халқнинг ўз қизиқчиси бор. Ўзбеклар уни Насриддин афанди дейди, қозоқлар Алдар кўса, татарлар Ахмет оғай, ҳиндлар Бирбал, немислар Эйленшпигель, арманлар Пули-пуги, яҳудийлар Гершель, корейслар Ким Сон ва ҳоказо. Бугун ана шу қизиқчилардан айримларининг ҳангомалари билан ошно бўласиз.

ЙЎЛДА ҚИЧҚИРАР

Бир золим бой камбағалларни кўп қақшатарди.

Алдар кўса ундан қасд олмоқчи бўлди. Бойникига меҳмонга борди ва мусофирман деб уникида тунаб қолди. Бой роса уйқуга кетгач, Алдар кўса ўрнидан турди. Ташқарига чиқиб катакдаги бор товуқларни бир қопга солди-да, оғзини боғлаб, бир четга қўйди. Тонг отмасдан уйғонди.

– Раҳмат, бой ота, – деди Алдар кўса, – мен эртароқ жўнамоқчиман. Хайр!

– Бемаҳалда қайга борасан, болам, – деди бой, – ҳали хўроз ҳам қичқиргани йўқу?

– Ҳозир қичқирмаса, йўлда қичқирар, – деди қизиқчи ва қопини орқалаб йўлга равона бўлди.

КИМ ТОПҚИРРОҚ

Икки габроволик черковга келишди.

Меҳробга садақа ташлаш керак эди. Биринчи габроволик ёнидан бир тийин чиқариб меҳробга ташлади ва сен нима қилар экансан, дегандек шеригига қаради. Шериги ҳамсоясидан ҳам қурумсоқ эди, пинак бузмай черков ходимига қараб деди:

– Шу бир тийин икковимиздан эҳсон...

ҚОРА ТОВУҚНИНГ ТУХУМИ

Бир габроволик бозорга борди.

Кекса аёл тухум сотиб ўтирарди. Харидор йирик тухумларни териб олишга ийманиб, аёлдан сўради:

– Хола, менга қора товуқнинг тухумидан ўнта беринг.

Аёл кулди:

– Булар қора товуқникими, оқ товуқникими, мен қайдан билай, болам. Танисанг, ўзинг олавер.

Шум йигит катта-катта тухумларни териб олди-да, жўнаб қолди.

ТИЛЬ ВА ГЕРЦОГ

Тиль Эйленшпигелни олти ёшга тўлганда мактабга бердилар.

У бир куни мактабдан келаётса йўлда башанг кийинган бир киши учради. Тиль салом берди.

– Ваалайкум, – деди бояги киши, – одобли бола экансан, қайдан келасан?

– Мактабдан, – деди Тиль.

– Баракалла. Ма, музқаймоқ, олиб е, – деб бегона кимса бир кумуш танга чўзди. Бола олмади.

– Раҳмат, амаки, пулингизни ололмайман.

– Нега?

– Бегона кишидан пул олдим десам, отам уришадилар.

– Мен герцогман. Мени бутун мамлакат танийди. Ол, герцог амаки бердилар, десанг уришмайди.

– Йўқ. Кимсан – герцог бўлатуриб атиги бир танга бердими, мунча қурумсоқ бўлмаса, деб отам ишонмайдилар.

Герцог болакайнинг ақлига қойил қолди ва унинг чўнтагини тўлдириб кумуш танга солиб берди.

С. ҚАРНОҚЛИ.

Шундан кейин

ТАСОДИФ ТУҲФАСИ

Токиода кутилмаганда етти юзга яқин метро ва электрпоезд бекатидаги чипта турникетлари ишдан чиққани учун йўловчилар мазкур транспорт воситаларидан вақтинча бепул фойдаландилар, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Йўловчилар "тасодиф туҳфаси"дан беш соат давомида фойдаланган.

Ишдан чиққан турникетларнинг барчаси "Ниппон сигнал" компаниясига тегишли бўлиб чиқди. Мутахассислар бу ҳолатга турникетларни бошқарувчи дастур таъминотининг йил сайин мураккаблашиб, микрочипли мураккаб йўл чипталаридан фойдаланиш сабаб бўлаётганини таъкидлашмоқда.

КАФТДАГИ УЧИНЧИ ҚУЛОҚ

Австралиялик рассом Стэлиус Аркадиу чап қўлининг кафтига лаборатория шароитида ўстирилган қулоқ ўрнатди. 61 ёшли рассомнинг сўзларига кўра, бу ишга у санъатга кучли муҳаббати туфайли қўл урган. Рассом ғайриоддий жарроҳликни амалга оширадиган мутахассисни топиш учун ўн йил вақт сарфлаган.

Маълумотларга кўра, Стэлиус санъат соҳасида янгилик яратиш учун "учинчи қулоғи"га Bluetooth хизмати ёрдамида Интернетга уланадиган кичик микрофон ўрнатиш ниятида.

ЎзА.

БАЛИҚ

Ҳикоя

Луқумжон ниҳоят орзусига эришди, ўзи хоҳлагандек, каттагина корхонага бошлиқ бўлди. Кўнгли яқин ошналарининг тинимсиз қўнғироқларидан мақтовларга кўмилди. Каттагина зиёфат баҳона совға-саломларни уйиб ташлашди. Аммо, бир дўстининг антиқа совғасидан терисига сиғмай кетди.

– Раҳмат, дўстим, шу балиқчангга жуда кўнглим кетувди, сезибсан-а! Вой, буни ажойиблигини-чи... Кўзлари тим қора, қанотлари тилларанг, сузишлари бирам нозик, бирам нозик...

– Ҳа, энди Луқумжон, бизга дўстимизнинг қувонгани катта гап, – деди Сотимбой.

– Йўқ, йўқ, бу совға учун ҳар қанча миннатдор бўлсам, оз! Яхши кунларингга қайтарай...

Луқумжон ҳадеганда ишга киришолмай юрди. Жамоа аъзолари аввалига унга рўйхуш бермагандек, ўзларини олиб қочарди. Лекин, бир-иккита лаганбардорлар у қўлтиғидан кириб, бу қўлтиғидан чиқишди. Янги жойнинг пасту баландини, жамоанинг яхши-ёмонини икир-чикирларигача тушунтиришди.

Шундай қилиб, котиба-ю, иш юритувчи янгидан тайинланди. Дастлабки кунданоқ йўлига пешвоз чиқиб, тагига пахта тўшаганларнинг ошиғи олчи, раҳбарнинг соясида униб, ўса бошлашди. Аммо, ҳамма ерда ҳам чақир тиканаклар бор, улардан эҳтиёт бўлмаса, бехосдан санчилиб, азоб бериши тайин.

Луқумжон атрофдагиларнинг маслаҳати билан анчамунча ходимларни ишдан бўшатиб юборди.

– Тўғри қиласиз, дўстим, – деди Сотимбой. – Бир иш бошлашдан аввал, ён-атрофни тозалаб, «дезинфекция» қилиб олиш керак, а, нима дедингиз?!

– Ҳа, сизлар бўлмаганингизда нима қила олардим. Бошлиқ бўлиш осон эмас экан. Ҳеч ким мендан хафа бўлмаса, дейман-да...

– Бу ёғини бизга қўйиб беринг, шеф... Бўшаб кетаётганларнинг ҳаммаси ўз ихтиёри билан ариза ёзаяпти...

Луқумжон лаганбардор дўстининг тилёғламалигидан энсаси қотди. «Э, кимни аҳмоқ қилмоқчи бу галварс...»

Кечқурун одати бўйича аквариумдаги балиқларни томоша қилар экан, улар «янги меҳмон»ни хушламай, бир жойга тўпланиб қолишганини кўриб, ҳайрон бўлди.

– Қизиқ,– ўйлади у. – Ҳатто, мана шу забонсиз махлуқда ҳам қандайдир ҳиссиёт бора. Ҳаммасидан бошқачароқ бўлгани учун ёқтиришмаяпти, шекилли...

Луқумжон янги балиқни алоҳида аквариумга солиб, ўзи парвариш қила бошлади.

– Ажабо, кўзлари одамникига ўхшайди-я, тавба...

Балиқ унга тикилиб турган кўзлардан ҳуркандек, ўзини четга олди. Аммо, тўрт томони шаффоф ойна, унга монанд тиниқ сувда яширинадиган жойнинг ўзи йўқ. Ўртага жойлаштирилган яшил сув ўтларининг барглари ҳам негадир сув юзига қараб ўсган...

– Мендан яширинмай қўя қол, балиқчам, барибир борар жойинг мана шу тўрт ойна девор. Яхшиси, дардларимни тингла. Уларни сендан бошқага айтолмайман. Чунки, мен ўзимга ҳам ишонмайман. Сен эса, хоҳласанг ҳам айтолмайсан. Э, яратганнинг махлуқи. Сени дунёдаги энг ҳалол жонзот дейишади... Қани тилинг бўлса, айт-чи, нега баъзи ичи қоралар мени кўролмайди, ҳар қадамда пайимни қирқишмоқчи бўлади?! Айтолмайсан! Чунки, сенда забон йўқ. Лекин кўзларинг нега одамникига ўхшайди? Бунда қандай синоат бор? Бугун мен бир беозор, меҳнаткаш инсонни ўзим хоҳламаган ҳолда хафа қилдим. Айбимни тан оламан. Шунга мажбурман. Чунки, унинг чўрткесарлиги ёқмайди. Ахир мен раҳбар бўлсам... Ҳа, бир жойда тўхтаб қолдинг. Нима демоқчисан, «ғийбат, иғволарга ишонма» демоқчимисан?! Ўша ғийбатларга ўзим ҳам ишонмайман, аммо, ундан қутулишнинг йўли шу-да?

Луқумжон балиғи билан ҳар куни ҳасратлашадиган одат чиқарди. Балиқ ҳам кундан-кунга катталашиб, тўрт ойнага сиғмай қолди.

– Еганингнинг тайини йўқ, нега катталашиб кетаяпсан-а, балиқчам? Ёки менинг «ҳасратларим»дан тўйиб кетдингми? Қўй, хафа бўлма. Ана, каттагина ҳовузим бор. Фавворасига ҳамма ёрилмай ухлай олмайди. Э, вох, дунёнинг ишлари қизиқ, ҳар нарсанинг охири-ю, жавоби бўлар экан...

Казо-казоларга зиёфат бериб ўрганиб қолган кўнгил яна бир нозикроқ меҳмонни уйига чорлади. Дастурхоннинг тўкинлигидан хонтахта синай дейди. Мезбоннинг фикри-зикри меҳмоннинг кўнглини овлаш, истагини бажо келтириш.

– Ҳа, Луқумжон, қутлуғ кунларда чин дилдан қилинган эҳсоннинг хосияти катта бўлар экан. Асти кам бўлманг, – деди меҳмон. – Айниқса, одам балиқ еса, ҳалқуми поклонармиш?...

Ана холос, балиқ хаёлига келмапти-я. Бу ёғи қандоқ бўлди? Кечаси қаерга балиқ излаб боради?! Лекин, меҳмоннинг истаги бажарилмаса бўлмайди.

– Ҳа, Луқумбой, жуда ўйланиб қолдингиз?! Ё ҳовуздаги балиғингизни кўзингиз қиймаяптими?!

Мезбон тўсатдан берилган саволдан гангиб қолди. Бошига қайноқ сув қуйилгандек, вужудини қалтироқ босди. Кўз олди қоронғилашиб, ташқарига аранг чиқди. Балиғи ҳақида бир-икки оғайни-дўстларига мақтаниб қўйгани ёдига тушиб, қаттиқ пушаймон қилди. Аммо, энди кеч, ғишт қолипдан кўчган эди.

– Ҳай, қоринларингни кейин тўйдирасанлар. Ҳовуздаги балиқни тутиб келинглар. Тез қовуриш керак.

Хизматчилар ҳанг-манг:

– Ие, Луқумжон ака, ҳозир кабоб пишиб қолади-я. Қўйинг у балиқни, раҳмингиз келсин!

– Ҳў, ҳар куни кабоб ейиш учун ҳам шу балиқнинг жони керак, тушундингми, аҳмоқ. Тез бўлларинг...

Луқумжон кўксидаги оғриққа чидолмай, инграб юборди. Гўё тутундан ачишган кўзларини артгандек, ёшларини яшириб, уйга кирди.

– Ҳа, Луқумжон, кўзингиз ачишдими?

– Ҳечқиси йўқ, кабоб тайёр бўлдими, деб боргандим, ҳозир ўтиб кетади.

– Шоширманг, кабобни балиқдан кейин еяверамиз...

Жиян ҳадеганда балиқни тутолмай, анча овора бўлди. Охири тоғасига юзланди.

– Балиғингизни ҳеч тутолмаяпман. Ўзингиз ёрдам беринг, тоға!

Луқумжон, шундай бўлишини биларди. Сирдошининг ўзгалар тўрига илинишини ўзи ҳам хоҳламасди. Лекин, начора, ҳовуз четидаги чироқларни ёқиб, сувга эгилди, балиғига таниш бўлган ҳаракат билан бир зумда чақириб олди. Шуни пойлаб турган жиян дарҳол тўрини сувга солди...

Ҳар таомнинг ўзига хос лаззатли ҳиди бор, аммо қовурилган балиқнинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди бошқача. Балки гап унинг тансиқлигидадир. Аммо, Луқумжоннинг бу ҳидга чидаши қийин бўлди. Боши айланиб, кўнгли беҳузур бўла бошлади. Сирдошининг маъсум кўзлари хаёлидан кетмасди.

Таом тайёр бўлгач, ҳамма дастурхон атрофига тўпланди, Луқумжон баҳона излаб, ташқарида айланиб юраверди. Меҳмон эса, мезбон киришини кутиб, таомга қўл урмади. Охири Луқумжон дастурхон четига омонатгина келиб ўтирди. Ҳаммани таомга таклиф қилди. Уларнинг кўнгли учун бир луқмани аранг оғзига солди. Бошқаларнинг балиқни иштаҳа билан еяётганларини кўриб, секин ташқарига йўналди.

– Ҳа, дадаси, бирор нарса керакми? – эрининг аҳволини сезиб турган хотин унинг юзига қараб, қўрқиб кетди. Луқумжон оғзини катта-катта очиб ёпар, томоғини йиртиб юборгудек ғижимлар эди.

Эртаси куни «Луқумжон балиқ қилтанофига тиқилиб ўлиб қопти» деган гап бутун маҳаллага, ишхонасига тарқалди...

Сайёра РИХСИЕВА.

ҚИЗАМИҚ

касаллигининг олдини олишдаги ягона йўл – эмлаш

Бу касаллик кейинги пайтларда тез-тез учраб турибди. Унинг қўзғатувчиси вирус бўлиб, бемордан соғ одамга ҳаво-томчи йўли билан юқади. Икки-уч кун ичида унинг клиник белгилари пайдо бўлади. Кўз ёшланиб, қуруқ йўтал кузатилади. 10-12 кундан кейин бу белгилар кучаяди. Тана ҳарорати кўтарилади, аъзойи-бадан қақшаб оғрийди, кўз қизаради, ёруғликдан қўрқиш, лунжнинг шиллиқ қаватида оқ доғча пайдо бўлади. Касалликнинг ўн тўртинчи кунидан бошлаб терини тошмалар босади. Кейинроқ улар аста-секин йўқолиб, ич кетиш ҳоллари кузатилади. Агар беморга нисбатан ўз вақтида даво чоралари қўлланилса, асоратсиз соғайиб кетади. Акс ҳолда ўрта қулоқнинг йиринглаши, зотилжам ва бошқа асоратлар қолиши мумкин.

Бу касалликдан сақланишнинг бирдан-бир йўли танада сунъий иммунитет ҳосил қилишдир. Бунга эса, фақат эмлаш йўли билан эришилади.

Ҳозирги кунда ўн икки ойликдан бошлаб болалар тўлиқ эмланмоқда. Лекин катталар орасида иммунитет сусайганлиги сабабли 12-30 ёшлилар орасида ҳам касаллик аниқланмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб, бу йил вилоятимизда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳолини оммавий эмлаш режалаштирилмоқда. Унда вилоятимиздаги барча ташкилот раҳбарлари алоҳида манфаатдорлик билан қатнашишлари талаб этилади. Эмлашга сарфланадиган дори-дармон, шприцлар бепул.

Республика «Саломатлик» институтининг вилоят филиали.

Рассом хандаси

– Тавба! Менинг туғилган куним-у, ҳамма бошлиққа хушомад қилади.

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм.

Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тошкент вилояти бўлимига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли 1 октябрдан ушбу муҳр ҳақиқий деб ҳисобланмайди ва

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хусусий тадбиркор Собиров Махамаджон Абдулходиевич номига Учтепа туман ҳокимияти томонидан 04.06.2007-30.06.2010 йилгача берилган 0104280 рақамли патент йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яккасарой туманидаги «NAO-KAPITAL» хусусий корхонаси (ИНН 300311507) «NAO-KAPITAL» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади.

Утерянный диплом М № 000755, выданный 21.01.2002 г. Ташкентским Государственным экономическим университетом на имя Шадиева Орифжона Кабуловича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Частная фирма "MODERN QURILISH SERVIS" С. Рахимовского района г. Ташкента реорганизуется в общество с ограниченной ответственностью "MODERN QURILISH SERVIS", который является правопреемником по вопросам частной фирмы "MODERN QURILISH SERVIS". Тел.: 133-78-63.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент вилояти бош бошқармаси жамоаси республикамиз банк тизими ривожига катта ҳисса қўшган мутахассис, жамоанинг фаол ходими **Темур Тўраевич ТЎРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-940. Адади 3619. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.30. 1 2 3 4 5